

МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИДА КРІ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бердиназаров Зафар Улашович,
иктисодиёт фанлари доктори, проректор в.б.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация. Ушбу амалий тадқиқотда Ўзбекистон маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини КРІ тизими бўйича баҳолашнинг мезонлари ва услубларини илғор хорижий тажрибалар асосида шакллантириш, ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мазқур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастури ва Европа Иттифоқининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишини такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш” қўйма лойиҳаси доирасида бажарилган.

Таянч тушунчалар: самарадорликнинг муҳим қўрсаткичлари (КРІ), маҳаллий ижро ҳокимияти, давлат бошқарув тизими, функция ва вазифалар, мезонлар.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ КРІ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ МЕСТНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Бердиназаров Зафар Улашович,
доктор экономических наук, и.о. проректора

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данном исследовании представлены предложения и рекомендации по формированию, развитию и использованию критериев и методов оценки деятельности органов местного государственного управления Узбекистана по системе ключевых показателей эффективности (КПЭ) на основе передового международного опыта. Исследование проводилось в рамках совместного проекта Агентства государственных услуг при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, ПРООН и Европейского Союза «Совершенствование предоставления государственных услуг и улучшения местного самоуправления в сельской местности Узбекистана».

Калим сўзлар: ключевые показатели эффективности (КПЭ), местная исполнительная власть, система государственного управления, функции и задачи, критерии.

FOREIGN EXPERIENCE OF USING THE KPI SYSTEM IN THE ACTIVITIES OF LOCAL GOVERNMENT BODIES

Berdinazarov Zafar Ulashovich,
Doctor of Economics, Acting Vice-rector

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The study presents proposals and recommendations for the formation, development and use of criteria and methods for assessing the activities of local government bodies in Uzbekistan according to the system of key performance indicators (KPIs) based on international best practices. The study was carried out within the framework of a joint project of the Public Services Agency under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, UNDP and the European Union "Improving the provision of public services and improving local self-government in rural areas of Uzbekistan."

Keywords: Key Performance Indicators (KPIs), local executive power, public administration system, functions and tasks, criteria.

Кириш

Жаҳон мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат бошқаруви орғанлари фаолияти, шу жумладан, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда КРІ) тизимидан фойдаланган ҳолда баҳолаш ва бошқариш ўзининг бошқа турдош баҳоловчи моделлар тизимидан бир қатор устунликлари билан ажралиб туради. Бугунги кунда бир қатор ривожланган ва ривожланётган мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Ирландия, Германия, Франция, Бельгия, Канада ва Россия давлатларида мазкур тизимдан кенг фойдаланилмоқда.

Чет мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, КРІ тизимини жорий қилишдан кўзланган асосий мақсад давлат бошқарувининг барча бўғинларида фаолият кўрсатувчи давлат хизматчилари устидан якка тарзда ва интеграллашган умумий жамоатчилик ҳамда институционал назоратни ўрнатиш, уларнинг натижаларини жамоатчилик, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига, бошқа мутасадди органлар ва ташкилотларга тақдим этиш орқали хабардор қилиш билан белгиланади.

Маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятида КРІ тизимини жорий қилиш ва бу тизимдан фойдаланишда энг биринчи қадамлардан бири маҳаллий давлат ҳокимиятининг фаолият кўрсатиш йўналишлари ва стратегик ривожланиш мақсадларини белгилаб олишdir. Иккинчи босқичда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг функция ва вазифалари самарали тақсимланиши ҳамда ваколатлари аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида бир-бирини такрорламайдиган функция ва вазифаларнинг аниқ белгиланиши ҳамда ушбу функция ва вазифаларнинг ходимлар ўртасида ҳам оқилона тақсимланиши КРІ тизимини жорий қилишга зарур шарт-шароитлар яратади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамили иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мазкур давлат дастурида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда такрорланувчи функцияларни тегишли органларга ўтказиш, ҳокимлар фаолиятини баҳолаш бўйича аниқ мезон ва мақсадли вазифаларни ишлаб чиқиш талаби кўйилган.

Мазкур тадқиқотнинг бош мақсади Ўзбекистон маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини КРІ тизими бўйича баҳолашнинг мезонлари ва услубларини илғор хорижий тажрибалар асосида шакллантириш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи

КРІ тизимининг назарий ва методологик асослари

КРІ тизимининг илмий назарий ва методологик асосларининг ривожланиш тарихи 1950 йилларга тўғри келади. Дастрлаб ушбу илмий назария АҚШлик иқтисодчи олим Peter Drucker [1] (1954)нинг “Management by Objectives (MBO)” деб номланган назарияси асосида ташкил этилиб, кейинчалик ривожлантириб борилган (1-жадвал).

70-йилларда ушбу назарияга таянилган бошқа бир қатор методологик ёндашувлар Ғарб мамлакатлари орасида жуда кенг тарқалиб, универсал услубиёт сифатида Total Quality Management (TQM) ғояси билан бойитилди [2].

80-йилларга келиб эса ушбу ғоя “Performance management (PM)” концепцияси билан таомиллаштирилди. Ушбу концепциянинг асосчиси америкалик иқтисодчи олим Aubrey Daniels ҳисобланади. Мазкур концепциянинг асосий ғояси натижага йўналтирилган чора-

ИҚТІСОДИЁТ ФАНЛАРИ

тадбирлар мажмуасининг компания мақсадларига самарали жавоб беришини таъ-

минлаш ҳисобланган [3].

1-жадвал

КРІ асосида баҳолашнинг назарий ва методологик асослари тарихи

| Бошқарув назариялари | Давр | Асосий методологик ёндашувлар |
|--|------------------|--|
| Мақсадлар сари бошқарув (Management by Objectives – MBO, Peter Drucker, 1954) | 1950 йиллар | Компания ходимларининг компания ривожига күшган шахсий ҳиссаларини баҳолаш тизимига йўналтирилганлиги |
| Умумий сифат бошқаруви (Total Quality Management – TQM) | 1970-йиллар | Компаниялар фаолиятини баҳолаш умумий сифат бошқарувига қаратилганлиги |
| Фаолият (самарадорлик) бошқаруви (Performance management – PM) | 1980-йиллар | Компаниялар фаолият самарадорлигининг компания олдига қўйилган мақсадларга жавоб беришга қаратилганлиги |
| Компитетли бошқарув (Competence Management – CM) Иқтисодий қўшилган қиймат (экономическая добавленная стоимость, Stewart Stern, 1990) | 1990-йиллар | Компаниялар фаолиятида бошқарув қобилияти (компитет), янги қўшилган қиймат яратиш, баланслашган фаолиятни таъминлаш, стратегик мақсадларга эришиш ҳамда истиқболли ривожланиш жараёнлари самарадорлиги ва натижадорлигини ўлчаш, баҳолаш ва ҳисббот бериш тизимининг моделли йўналишларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги |
| Баланслашган кўрсаткичлар тизими (Organizational Balanced Scorecard System, Kaplan R., Norton D., 1992), Стратегик карта модели (модель стратегических карт, Maisel, 1992) Самарали тараққиёт ва фаолият самарадорлигини ўлчаш модели (Effective Progress and Performance Measurement, К.Роберт, П.Адам, 1993) | | |
| Фаолият кўрсаткичларининг универсал тизими (универсальная система показателей деятельности Рамперсада Хьюберта – Total Performance Scorecard, 2003) Унумдорлик ҳаракати (движение производительности, Talbot, 2005; Boyne, 2006) Самарадорликни бошқариш даври (эпоха управления эффективностью, Bouchaert & Halligan, 2008) | 2000-2010 йиллар | Компаниялар фаолиятида бошқарув самарадорлиги ва натижадорлигини ўлчаш, баҳолаш ва ҳисббот бериш тизимининг моделларидан давлат бошқарув тизимларида ҳам кенг фойдаланиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мослаштириш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги |
| Асосий самарадорлик кўрсаткичлари тизими (Key Performance Indicators –KPI, Breul, Kamenskiy, 2008; Sanger, 2008; Diefenbach, 2009; Marr, 2009; Зорин, 2009), Клочков, 2010) | | |
| Асосий самарадорлик кўрсаткичлари тизими (Key Performance Indicators –KPI, Marr, 2014; Mihaiu, 2014; David Parmenter, 2015) | 2010 йил - х.в. | Давлат бошқарув тизимларида КРІ тизимидан фойдаланишнинг такомиллаштирилган моделларини қўллаш, энг муҳим индикаторларни танлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асосларнинг бошқарув тизими фаолиятининг стратегик мақсадлари, функция ва вазифалари, ресурслар тақсимоти ҳамда фаолият соҳасининг мустақиллигини оширишга йўналтирилганлиги |

Манба: Назарий таҳлиллар асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

Бошқарув самарадорлигини босқич-ма-босқич ошириш ва такомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар жадаллашиб, уш-

бу ғоя атрофида бошқа концептуал ёндашувлар шаклланди ҳамда бошқарув самарадорлиги ва натижадорлигини ўлчаш

ҳамда баҳолашнинг моделли йўналишлари ривожлантирилди. Хусусан, ушбу йўналишда Компетентли бошқарув (Competence Management, 1990), Иқтисодий қўшилган қиймат (экономическая добавленная стоимость, Stewart Stern, 1990), Баланслашган кўрсаткичлар тизими (Organizational Balanced Scorecard System, Kaplan R., Norton D., 1992), Стратегик карта модели (модель стратегических карт, Maisel, 1992), Самарали тараққиёт ва фаолият самарадорлигини ўлчаш модели (Effective Progress and Performance Measurement, К.Роберт, П.Адам, 1993), Фаолият кўрсаткичларининг универсал тизими (универсальная система показателей деятельности Рамперсада Хьюберта – Total Performance Scorecard, 2003), Унумдорлик ҳаракати (движение производительности, Talbot, 2005), Самарадорликни бошқариш даври (эпоха управления эффективностью, Bouchaert & Halligan, 2008) каби моделли ёндашувлар ишлаб чиқилган ва компаниялар ҳамда давлат бошқарув тузилмаларида кенг қўлланила бошланган.

2000 йилларда эса самарадорлик менежментининг амалий жиҳатларига оид илмий тадқиқотларга бўлган қизиқишилар ортиб (Boupe ва бошқалар, 2006), уларни давлат бошқарув тизимлари фаолиятига изчил жорий қилиш борасида иқтисодчилар, олимлар ва эксперталар ўртасида турли хил қарашлар, муносабатлар ва фикр-мулоҳазалар чуқурлашди (Van Dooren ва бошқалар, 2010).

Сўнгги ўн йилликда олиб борилган тадқиқотлар самарадорликни ўлчаш ва баҳолашнинг методологик асосларига бўлган ёндашувларнинг янада ривожланишига сабаб бўлди. Айниқса, самарадорликни ўлчаш ва баҳолашга бўлган муносабат давлат ва маҳаллий бошқарув органлари миқёсида жуда фаоллашди (Breul, Kamenskiy, 2008). Хусусан, бу борада АҚШ ҳукумати Буюк Британия, Янги Зеландия ва Австралия мамлакатларининг энг илғор ёндашув методологияларидан самарали фойдаланган ҳолда давлат бошқарув органларида самарадорликни баҳолаш тизимини такомиллаш-

тириш бўйича чора-тадбирларни кучайтириди (Moynihan, 2002). Аммо самарадорлик ва натижадорлик бўйича ҳисобот бериш тизимида бироз муаммолар борлиги сезилди ва улар бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги белгиланди. Ушбу тадқиқотлар натижадорликни ўлчаш ва баҳолашнинг самарали тизимини муваффақиятли лойиҳалаштириш, жорий этиш ҳамда ундан фойдаланиш йўналишларида изчил амалга оширила бошланган (Sanger, 2008).

Иқтисодчи олим Marr (2009) таъкидлаганидек, кўплаб давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятларида унумдорлик (самарадорлик) ва натижадорликка эришишда ҳаддан зиёд маъмурний ёндашувлар, усул ва воситалардан кенг фойдаланганликлари натижасида маъмурчилик юки ўта оғирлашган ва бу кўлланилаётган чора-тадбирларнинг самарасиз натижалар бераётганлигига сабаб бўлган.

Самарадорлик (унумдорлик)ни ўлчаш ташкилот ривожланишини тавсифловчи восита бўлиб, унинг ёрдамида самарадорликни баҳолаш ва прогнозлаштириш мумкин. Шу боис давлат органлари ва ташкилотларида самарадорликни ўлчаш ва уни баҳолашнинг замонавий моделларини қўллаш ўта муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунда корпоратив сектордаги самарадорлик ва натижадорликка қаратилган замонавий бошқарув усул ва моделларини давлат бошқарув тузилмалари фаолиятига самарали мослаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муҳимлиги таъкидланади (Diefenbach, 2009).

Самарадорликни ўлчаш ва баҳолаш назарияси ҳамда амалиёти кўп қиррали занжирли жараён бўлиб, унда давлат бошқарув сектори самарадорлигини ўлчаш ва баҳолаш ўзига хос хусусият касб этади. Унинг ўрни аксарият ҳолларда жамият манбаатларига хизмат кўрсатиш жараёнларини ифодалайди (Behn, 2003).

Умуман олганда, давлат бошқаруви секторида, шу жумладан, маҳаллий давлат бошқаруви секторларида фаолият самарадорлигига йўналтирилган моделли ёнда-

шувлардан самарали фойдаланиш, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий тартиб-таомилларини белгилаш зарурый омиллардан бири ҳисобланади. Самарадорликни ўлчаш ва баҳолашнинг илғор моделли ёндашувлари бир қатор ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар давлат бошқаруви тузилмалари фаолиятида қўлланиб келинмоқда.

Иқтисодчи олим David Parmenter (2015) ўзининг “Key Performance Indicators: Developing, Implementing, and Using Winning KPIs” деб номланган китобида давлат ва хусусий сектор корхоналари учун умумий бўлган KPI тизими методологиясига оид қуйидаги еттига босқичдан иборат бўлган фундаментал асосларни кўрсатиб ўтади. Улар: 1. Ходимлар, касаба уюшмалари ва бошқа учинчи томон субъектлари (товарлар, ишлар ва хизматларнинг якуний истеъмолчилари) билан ҳамкорлик алоқаларини самарали ташкил қилиш; 2. Ҳокимият функция ва вазифаларни самарали тақсимлаш ва ваколатларни бўлишиш; 3. Фақат баҳолаш (ўлчаш) мумкин бўлган нарсаларнигина баҳолаш ва улар ҳақида ҳисобот бериш; 4. Фаолият соҳаси муваффақиятининг муҳим омилларини ифодаловчи KPIни шакллантириш; 5. Фаолият соҳасига алоқадор бўлмаган хизматлар ва улар билан боғлиқ жараёнларни кўрсатишдан (ишларни бажаришдан) воз кечиш; 6. Ташкилот (муассаса) фаолиятини баҳолаш ишларини ташкил қилувчи малакали менежер (мутахассис)ни тайинлаш; 7. Ташкилот (муассаса) миқёсида фаолият соҳаси муваффақиятининг муҳим омилларини ифодаловчи KPIни тушуниш.

Давлат бошқаруви органларида, шу жумладан, маҳаллий давлат бошқаруви органларида KPI тизимини бошқариш ва баҳолашнинг методологик жиҳатлари бўйича ҳам бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган бўлиб, унда: а) бошқаруви самарадорлиги услубининг (методикасининг) стратегик мақсадларни аниқлаштиришга йўналтирилганлиги; б) мақсадларнинг тузилмалараро (бўйимлараро) уйғунлаштирилганлиги (боғланган-

лиги); в) KPIни стратегик нуқтаи назардан белгилаш; г) бошқарувнинг функция ва вазифаларини ижрочилар ўртасида рационал тақсимлаш ҳамда уларни мақбул даражада ихчамлаштириш (қисқартириш); д) даврий статистик маълумотлар ва молиявий кўрсаткичлар натижаларидан келгусида (истикболда) фойдаланиш имкониятини берадиган чораларни қўллаш; е) бошқарув вазифалари ва стратегияси ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш; ж) мавжуд молиявий (бюджет) ресурслардан мустақил фойдаланиш ва уларнинг даромадлилик манбаларини ошириш каби методологик жиҳатлар тадқиқ қилинган (Niven, 2006).

Marr (2014) ўзининг тадқиқотида юқоридаги методологик жиҳатлардан келиб чиқсан ҳолда, давлат ва нодавлат бошқарув ташкилотларида, шу жумладан, маҳаллий давлат бошқаруви органларида бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг 10 та энг яхши усулларини тавсия қилган. Булар KPI (Key Performance Indicators), самарадорликни баҳолаш, баланслашган кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard (BSC), мақсадлар бўйича бошқариш ва қиёслаш каби усуллардир.

Мазкур усулларнинг бошқарув самарадорлигида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача тўхтададиган бўлсак, хусусан, баланслашган кўрсаткичлар тизимидан ҳар қандай корхоналар (ташкилотлар) фаолиятида фойдаланишнинг қулийлиги, улар фаолиятидаги функционал вазифалар, бизнес режалар, стратегиялар ва операцион фаолият самарадорлигини баҳолаш имкониятларини оширишга қаратилган бошқарув самарадорлигининг муҳим усулларидан бири ҳисобланади (Punniyamoorthy, Murali 2008).

Иқтисодчи олим Niven (2003) баланслашган кўрсаткичлар тизимини ташкилот стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда, синчковлик билан танланган ва ўлчанидиган чора-тадбирлар мажмуаси сифатида тавсифлайди. Баланслашган кўрсаткичлар тизими учун танланган чоралар раҳбарлар учун ташкилотнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадлар ва миссияга

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

эришиш мумкин бўлган натижалар ҳақида ташқи манфаатдор томонларга хабар (сигнал) беришда фойдаланиш воситасини англатади.

Россиялик иқтисодчи олим А.Ключковнинг (2010) бу борадаги фикрлари юқоридаги олимлар фикридан анча фарқланади. Хусусан, муаллиф Balanced Scorecard (BSC) усули ҳозирги вақтда ўз аҳамиятини йўқотганлигини алоҳида таъ-

кидлади. Ушбу усульнинг асосий ғояси сифатида кўрсаткичлар тизими эмас, балки стратегик мақсадлар устувор қилиб олинганлиги ва ундан келиб чиқувчи жараёнлар тизимида баҳолашнинг уйғунлашган ёндашувлари ифодаланишини қайд этади. Муаллиф KPI тизимини Balanced Scorecard (BSC) усули билан қиёслаган ҳолда унинг бир қатор хусусиятларини алоҳида эътироф этади (2-жадвал).

2-жадвал

KPI тизимининг хусусиятлари ва мақсадлари

| KPI хусусиятлари | Мақсадлар/йўналишлар |
|-------------------------------------|--|
| Манзиллилик | KPI ҳар бир шахс ёки груп ёхуд тизим фаолиятига тегишли бўлиши (функционал жавобгарлик объекти бўйича) билан бошқа ёндашувлардан фарқ қиласди |
| Тўғри йўналтирилганлик | KPI доим корпоратив стратегик мақсадлар, бизнес режалар, жараёнлар ва уларни ривожлантириш йўналишларига боғлиқликда аниқланиши ва баҳоланиши |
| Имкониятлилик | Тўғри танланган KPI тизимида белгиланган (тасдиқланган) мақсадли кўрсаткичлар ва стандартларга эришиш имкониятининг юқорилиги. Мақсадларга эришиш катта куч ва сарф-харажатларни талаб қилиши ҳамда унга эришиш эҳтимоли 70-80 %дан кам бўлмаслиги |
| Очиқлик | KPI кўрсаткичлари жамоатчилик учун очиқ ва шаффоф бўлиши ҳамда жорий маълумотларга асосланиши кераклиги. Ундан фойдаланувчилар вақтни бой бермасдан ўз фаолият натижаларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар устида иш олиб боришлари лозимлиги |
| Прогнозлаш | KPI миқдор ва сифат жиҳатдан бизнес фаолияти қийматига таъсир этувчи омилларни ўлчаш ва баҳолаш ҳамда келгуси фаолият натижаларини прогнозлаш имкониятига эгалиги |
| Чекланганлик | KPI фойдаланувчилар эътибори ва саъй-ҳаракатларини умумий сафарбарлик сари эмас, балки бир нечта энг муҳим устувор вазифаларни бажаришга йўналтирилганлиги билан чекланганлиги |
| Осон қабул қилинишлик | KPIни жорий қилиш, унинг мазмун ва моҳиятини тушуниш ҳамда ундан фойдаланишнинг қулавилиги. Бошқача айтганда, KPI баланслашган ва ўзаро боғлиқ (интеграл) бўлиши ҳамда элементларининг бир-бирини тўлдириши |
| Ташаббусни рағбатлантиришлик | KPI ташкилотда ташаббускорлик ва ижобий ўзгаришларнинг занжирили реакциясини келтириб чиқаришилиги |
| Ўлчовнинг соддалиги | KPI мақсадли ва чегаравий (пороговой) аҳамиятга эга бўлган аниқ ўлчовли жараёнларни ўзида ифодалashi ва фойдаланувчиларга қулавлик яратиши |
| Якка рағбатлантиришлилик | KPI мезонлари ходимларни якка ва жамоавий тарзда рағбатлантиришга ёрдам бериши керак. Ташкилот KPI таъсирини кучайтириш орқали ҳар бир ходимнинг фаолият самарадорлигини рағбатлантириши мумкин |
| Боғланганлик | Энг яхши KPIларнинг таъсири вақт ўтиши билан заифлашиб боради, шунинг учун уларни вақти-вақти билан такомиллаштириш ва янгилаб бориш талаб этилади |
| Таққослаш (қиёслаш) | KPI кўрсаткичларини бир хил вазиятларда бир-бири билан қиёслаш имкониятининг мавжудлиги |
| Оқилоналик (мулоҳазалик) | Ҳар бир KPI кўрсаткичи ўз мазмун ва аҳамиятига эга бўлиши билан бирга таҳлил учун ҳам асосли бўлиши керак |

Бошқа бир гурух рус иқтисодчилари (Савельев, 2008; Бурганова, 2005; Чичелев, Лялин, 2014; Якунин, Сулакшин, Тимченко, 2006) KPI тизими бүйіча ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади. Хусусан, А.Савельев KPI тизимини стратегик мақсадларга йўналтирилган фаолият натижаларининг миқдор ва сифат ўзгаришларига таъсир қилувчи молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар сифатида эътироф этади.

Бурганованинг фикрича (2005), KPI тизими ташкилотга стратегик ва тактик (операцион) мақсадларга эришишга ёрдам беради. Мазкур услубий ечим кенг қамровли қўлланилиш соҳасига эга бўлиб, у стратегик режалаштириш ва бошқариш инструменти ҳамда ходимларни рағбатлантириш ва самарадорлигини баҳолаш элементи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ундан нафақат корпоратив бошқарув секторида, балки давлат бошқаруви секторида ҳам самарали фойдаланилади.

Шунингдек, муаллиф KPI тизимини ҳозирги вақтдаги бошқарувнинг энг илғор инструментларидан бири сифатида эътироф этиб, уни давлат ривожланиш стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг барча даражаларида самарали қўллаш мумкинлиги ҳақида хулоса қиласди. Шу муносабат билан KPIга асосланган ҳисоб-китоблар тизимини давлат бошқарувининг барча бўғинларида (вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва бошқа давлат хизматчилари фаолиятида) татбиқ этишни тавсия этади.

Якунин, Сулакшин ва Тимченколар KPIга қуидаги таъриф беришади: KPI – бу олдиндан белгилаб олинган муайян вазирлик ёки идораларнинг манфаатдор хизмат бўлимлари ва/ёки бўлинмалари билан ўзаро келишилган ҳамда вазирлик ва идоралар муваффақиятининг асосий омилларини акс эттирувчи мақсадларга эришишнинг миқдорий кўрсаткичларидир. Мазкур кўрсаткичлар давлат тузилмалари, унинг бўлинмалари ҳамда давлат хизматчиларининг бевосита функционал вазифалари билан боғлиқ фаолиятлари

самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш имконини беради.

Муаллифлар, давлат органларининг бошқарув соҳасидаги стратегия, гарчи ушбу юқори турувчи органлар раҳбарларининг зиммасига юклатилса-да, аммо уларни амалга ошириш қуий бўғин вакиллари (маҳаллий ҳокимиятлар, марказий идоралар бўлимлари, мутасадди худудий органлар ва бошқалар) томонидан талаб этилади ва айнан мана шундай ёндашув ушбу бошқарувнинг самарадорлигини хавф остига қўйишга сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири деб ҳисоблайди.

Давлат бошқаруви органларида, шу жумладан, маҳаллий давлат бошқаруви органларида аниқ белгиланган функция ва вазифалар ҳамда улар фаолиятлари самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжуд эмаслиги қуий бўғин вакиллари саъй-ҳаракатларининг ҳукуматнинг устувор вазифалари билан мувофиқлаштирилмаслиги ва уларга нисбатан рационал ечимга келинмаслигига сабаб бўлмоқда.

Давлат бошқаруви органлари томонидан у ёки бу муаммоларни ҳал қилиш учун бундай кўрсаткичлар давлат ҳокимиятининг стратегик мақсадларига мосравиша ҳар томонлама танлаб олиниши, расмийлаштирилиши ва мувозанатлаштирилиши керак. Акс ҳолда, алоҳида олинган давлат хизматчиси ёки унинг таркибий бўлинмасининг фаолият натижалари бўйича аниқ тасавурга эга бўлмасдан, шунингдек, улар қандай мақсадлар учун мўлжалланганлигини англамасдан туриб тегишли равища баҳоланиши мумкин эмас.

Зорина (2009) ўз тадқиқотларида, KPIни жорий қилишнинг асосий мақсадлари сифатида қуидагиларни кўрсатиб ўтади:

- давлат бошқаруви органлари, уларнинг таркибий бўғинлари ва алоҳида олинган давлат хизматчиларининг фаолият самарадорлиги ва иш сифатини рағбатлантириш;

- давлат хизматчилари функция ва вазифаларининг энг муҳим ижтимоий

Эҳтиёжлар (муаммолар)ни ҳал этишга қаратилган мувофиқлик таҳлили;

- мансабдор шахслар ва давлат хизматлари фойдаланувчилари ўртасида коммуникация тизимининг мавжудлиги;

- тури даражадаги давлат ҳокимиияти органлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш.

KPI тизимини жорий қилиш барча давлат бошқаруви бўғинларида фаолият кўрсатувчи давлат хизматчилари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга имконият яратади (Галкин, 2010).

Яқуний натижалар жамоатчилик, парламент, мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати томонидан давлат бошқаруви бўғиннинг барча даражаларидағи давлат хизматчилари фаолиятларининг маълум бир даврдаги натижаларини баҳоловчи аниқмиқдор ва сифат кўрсаткичларини ифодалаши керак.

Давлат ҳокимиияти органларида KPI тизимини жорий қилиш, қўллаш, ривожлантириш ва керакли натижага эришиш йўлидаги биринчи қадамлардан бири бу давлат бошқарув тузилмалари томонидан улар фаолият йўналишлари ва стратегик ривожланишининг асосий вазифаларини белгилашдир. Турли давлат тузилмалари ўз фаолиятларининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, ушбу йўналишга мос ёндашув ва услубларни ишлаб чиқишлиари мумкин. Аммо KPI тизими давлат бошқаруви ва ижро ҳокимиияти учун ноёб хусусият касб этиши билан ажralиб туриши лозим. Бундаги жараёнлар ушбу органларнинг белгиланган мақсадга эришиши натижасида ўзгариб бориши мумкин.

KPI моҳиятини аниқлаган ҳолда, ҳокимиятлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларини белгилаб олиш лозим ва улар ўз фаолиятларини айнан ушбу баҳолаш мезонлари сари ривожлантириб бориши керак (Зайцева, Зорина, 2006). Бунда қуйидаги вазифаларни инобатга олган ҳолда ёндашиш лозим:

- юқори турувчи давлат бошқаруви органи ва давлат бошқаруви органлари

фаолиятини баҳоловчи органларга давлат бошқаруви органларининг самарасиз фаолият олиб боришининг асосий омиллари ва сабаблари ҳамда уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича долзарб, объектив, тезкор ва комплекс маълумотлар олиш имкониятини яратиш;

- жамоатчилик, манфаатдор корхоналар ва ташкилотлар ҳамда юқори турувчи давлат бошқарув органларига давлат бошқарув тизими самарадорлигини такомилластириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва тизим шаффофлигини таъминлаш мақсадида олиб бораётган фаолиятлари натижадорлиги ва самарадорлиги бўйича объектив ва тўлиқ маълумотлар (ахборотлар) олиш имкониятини яратиш;

- юқори турувчи давлат бошқарув органига давлат бошқарув органлари фаолиятини ўзаро таққослаш нуқтаи назаридан улар бўйича рейтинг тизимини шакллантириш имкониятларини яратиш.

Мазкур вазифалар пировард натижада давлат бошқаруви органлари фаолиятини оператив (тезкор) ёки кенгайтирилган тарзда баҳолаш турини белгилаб беради. Давлат бошқарув органлари фаолиятини тезкор баҳолаш давлат бошқарув тизимининг муҳим элементи сифатида маҳаллий ҳокимиятлар даражаси учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу органлар фаолиятини тезкор баҳолаш ҳар йили (агар зарур бўлса, чорақда ёки ярим йилликда), кенгайтирилган баҳолаш эса ҳар 3 йилда амалга оширилиши мумкин (Максуров, 2010).

KPIни жорий қилиш, ўлчаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини яратишдан кўзланган асосий мақсад барча даражадаги давлат хизматчиларининг коррупцион ва ноқонуний саъй-ҳаракатлари ҳамда фаолиятларининг олдини олишдир (Mihaiu, 2014).

Таҳлиллар

Ривожланган давлатлар бошқарув органларида KPI тажрибаси

Бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибасида, хусусан, Австралия, Буюк Британия, Бельгия, Янги Зеландия,

Франция, Германия, Нидерландия, Канада каби давлатлар тажрибасида KPI тизими мұваффақиятли құлланилған бўлиб, улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

АВСТРАЛИЯ

Австралия давлат бошқаруви тизими вертикал бўйсуниш тизимига бўлинган бўлиб, улар республика, вилоятлар (штатлар) ва туманлар таркибидан иборат. Ушбу тизимнинг қуи бўғинида 560 га яқин маҳаллий ҳокимиятлар ўз фаолиятини олиб боради. Австралияда давлат бошқаруви тузилмалари фаолиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш бўйича ислоҳотлар жараёнлари 1980 йиллардан бошланган. Бунда асосий эътибор аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари кўрсатиш, маҳаллий бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш (тежаш), давлат хизматчиларининг ўз функция ва вазифаларига муносаб равишда фаолият олиб боришилари, бир сўз билан айтганда, маҳаллий ҳокимият фаолиятига оид барча ресурслар (input) ва уларнинг натижалари (output) бўйича асосий фаолият кўрсаткичларини баҳолаш ва ҳисбот юритиш тизимларига қаратилған (Christine, Marc and Trevor, 2000).

Мазкур ислоҳотлар тизими бошқарувнинг жараёнли ҳисобдорлик тизимидан фаолият бўйича ҳисобдорлик тизимига ўтиш босқичини бошлаб бериб, бу борада илмий тадқиқотлар олиб борилишига жуда катта таъсир кўрсатди. Айниқса, фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш ва ҳисобдорлик тизимлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим амалий аҳамият касб этди. Мазкур йўналишда давлат ва хусусий сектор фаолиятларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, молиявий ва номолиявий ўлчов мезонлари орқали аниқлаш, белгилаш, баҳолаш ва ҳисботини юритиш борасида турли хил ёндашувлар, усул ва воситалар ҳамда механизмлар илгари сурилди. Мана шундай ёндашув, усул ва воситалардан бири давлат бошқаруви органлари фаолиятида маъмурий буйруқбозлика асосланган фаолият ёндашувидан

бозор механизмларига асосланган давлат хизматларини кўрсатиш фаолият ёндашувига ўтилганлигидир.

Янгича ёндашувлар бўйича асосий муаммо бу бутун мамлакат миқёсида барча маҳаллий ҳокимият органлари учун бир хил амал қиласидиган миллий KPI тизимини жорий қилиш муаммосидир. Шунга қарамасдан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини KPI тизими бўйича баҳолашда асосий эътибор улар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг сифат даражаси ва уларга сарфланадиган харажатлар миқдорига устуворлик берилган. Демакки, маҳаллий ҳокимият органларининг фаолият самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг молиявий мустақилиги билан боғлиқ.

Австралия тажрибасида маҳаллий ҳокимият органларининг фаолият самарадорлиги, асосан, молиявий самарадорлик индикаторлари мезонлари билан баҳоланади. Мана шу мақсадда 1992 йилда Австралия Ҳисоб Стандарти 27 (Australian Accounting Standard 27; AAS 27) хужжати қабул қилинган бўлиб, унга кўра, маҳаллий ҳокимиятлар ўз фаолиятлари бўйича ҳар йили молиявий ҳисбот тақдим этиб боради. Бундай амалиёт бутун мамлакат миқёсида маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий масалалар (фискал барқарорлик)га оид қиёсий таҳлилларни амалга ошириш ва фаолият йўналишлари бўйича мос равищдаги баҳолаш мезонлари ва методологияларини такомиллаштириш имкониятини яратади.

Фискал барқарорлик масаласи ҳар бир маҳаллий ҳокимиятнинг бугуни ва эртасини белгиловчи энг муҳим омил ҳисобланади. Маҳаллий бюджет ресурсларини шакллантиришдан тортиб то уни мустақил тасаррuf этишгача бўлган барча жараёнларда мустақиллик таъминланмас экан, маҳаллий ҳокимият фаолиятининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли KPI тизими ўз самарасини бермайди. Мазкур жараёнда бюджет барқарорлиги чоралари қуидаги тўртта йўналишни ўз ичига қамраб олади: 1) даромадлар манбайнинг ишончлилиги ва мустаҳкамлиги; 2) даромад-

ларнинг мослашувчанлиги ва интенсивлиги; 3) қарздорликнинг баланслашганини; 4) ликвидиликнинг таъминланганини.

Маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва уни ўлчаш келажакдаги молиявий стресс (қийинчилик)ни прогнозлашга имконият яратади. Маҳаллий ҳокимият фаолиятининг КРІ тизими кўрсаткичлари турлича бўлиши мақсадга мувофиқдир, чунки маҳаллий ҳокимият органлари савдо корхоналаридан тортиб бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий дастурларгача бўлган фаолиятни қамраб олади.

Австралия маҳаллий ҳокимликлар тажрибасида қўйидаги КРІ кўрсаткичларидан кенг фойдаланилди: жамоатчиликнинг ҳокимлик маслаҳат хизматларидан қониқиши ва уларнинг кенг жалб қилиниши; Жамоатчилик кенгаши вакилининг (раисининг) ҳокимлик кенгашларида иштироки; Жамоатчиликнинг кенгаш қабул қилган қарорларидан қониқиши; маҳаллий аҳамиятдаги йўллар фойдалигини стандартлаштириш; йўл қурилиш харажатларининг самарадорлиги; йўллардан фойдаланувчиларнинг қониқишилари; аҳолининг майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича эътирозлари; маҳаллаларнинг майший чиқиндилар солинадиган контейнерлар билан таъминланганини; майший чиқиндиларга хизмат кўрсатиш харажатларининг самарадорлиги; мол-мulkни баҳолаш харажатларининг самарадорлиги; маҳаллий бюджет профицити ёки тақчиллиги кўрсаткичлари ва ҳоказо.

Буюк Британия

Буюк Британия давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини тизимли баҳолашга ўтиш бўйича илк ҳаракатлар 1980 йиллардан бошланган. Марказий ҳукумат Британия миллий соғлиқни сақлаш тизими (шифохоналар, тизим таркибидаги муассасалар) фаолияти самарадорлигининг асосий натижаларини баҳолаш бўйича мезонлар ишлаб чиқиши ва ҳисбот бериш дастурларини жорий қила бошлаган. Худди шу даврда бошқа


бир қатор давлат муассасаларининг (ўрта мактаблар, олий таълим муассасалари ва бошқа давлат иштироқидаги корхоналар), шу жумладан, маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятларини баҳолаш, ҳисбот бериш ва бошқариш бўйича тажрибалар ўтказилган. Уларнинг баъзилари марказий ҳукумат ташабbusлари билан амалга оширилган бўлса, баъзилари корхона ва ташкилотларнинг ташабbusлари билан ташкил қилинган.

Британия ҳукумати (Лейбористлар партияси) КРІ тизимини 1998 йилдан бошлаб “Давлат хизматлари келишуви (битими) – Public Service Agreement (PSA)” ва “Хизматларни етказиш келишуви (битими) – Service Delivery Agreements (SDAs)” қабул қилингандан сўнг фаол тарзда қўллай бошлаган. Консерватив партия вакиллари шунга ўхшаш тизимни (Output and Performance Analysis - OPA) 1990 йилда ҳукумат бошқармаларининг давлат маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳисбот олиш мақсадида қўллашган.

Давлат хизматлари битимининг асл моҳияти икки томонлама ўзаро манфаатли шартномани назарда тутган. Яъни давлат ғазначилиги (бюджет) ва ушбу ғазнадан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ўртасида “ислоҳотлар эвазига ресурс” ва/ёки “давлат хизматларини етказиб бериш эвазига ресурс” шартлари асосида икки томонлама ўзаро манфаатли шартномага асосланган. Шу билан бирга, ушбу жараён “халқ ва парламент” муносабати бўйича ҳам ифодаланган. Халқ манфаатларини ифодаловчи парламентнинг халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган фаолият натижалари (жамоат манфаатларининг устуворлиги ва халқчил ислоҳотлар натижалари)га қараб қўшимча ресурслар ажратилиши шартномавий тавсифдаги муносабатлар сифатида эътироф этилган. Том маънода, PSA ва SDA ҳуқуқий жиҳатдан шартнома кучига эга бўлмаган, аммо субъектив кучлар таъсирида ўз мавқеини мустаҳкам сақлаган хужжат ҳисбланган [4].

Буюк Британия тажрибасида давлат бошқарув тузилмаларида KPI тизимини жорий қилишга бўлган умумий “Стра-

тегик” ёндашув жараёни 1-расмда келтирилган.



1-расм. КПИ тизимини жорий қилишга бўлган “стратегик” ёндашув

Манба: [4].

Умуман олганда, давлат бошқаруви органлари тузилмалари ҳамда уларнинг юқори мансабдор хизматчиларининг фаолиятини KPI тизими бўйича баҳолаш мақсадларида ўзаро манфаатли шартномалар тузилган. Шартномада қуидагиларга алоҳида эътибор берилган: жавобгарликнинг асосий йўналишлари; вазифалар, натижадорликнинг мезонлари ва уларнинг мақсадли кўрсаткичлари; шарҳланиш – “мақсадга эришилган” ёки “мақсадга эришилмаган”; билим, кўниқма ва тажрибалар орттириш; яrim йил якунлари бўйича ҳисобот тақдим этиш; баҳолаш мезонлари билан бирга келгуси йил учун фаолият самарадорлигини ривожлантиришнинг индивидуал режаси.

Британия тажрибасида давлат бошқарув тузилмаларида KPI тизими бўйича баҳолашлар ҳар олти ойда, яъни ярим йил ва йил якунлари бўйича амалга оширилган. Йил якунида давлат хизматчиси ходими, шу жумладан, раҳбар ходимлар йил бошида қўйилган мақсадларга эришилган натижаларни кўрсатиб берувчи ўз-ўзини баҳолаш шаклини тўлдиришади. Ушбу шакл унинг бевосита раҳбари билан муҳокама қилинади, заруриятга кўра, унга

тузатишлар киритилади ва раҳбар томонидан фаолият натижалари тўғрисида ёзма ҳисобот тайёрланади. Ходим фаолиятини баҳолашда юқоридаги ёндашувдан ташқари унга бўйсунувчи ҳамкасларининг фикр-мулоҳазалари, шунингдек, давлат хизматларидан фойдаланувчилар билан ўтказилган сўровномалар натижалари ҳам ўрганилади ва инобатга олинади. Йил якунлари бўйича ҳар бир гурухдаги вазирлик, идора ва ҳокимият раҳбарларининг KPI бўйича тўплаган баҳолари энг яхшисидан ёмонига қараб жойлаштирилади. Шундан сўнг эришилган натижалар тўртта гуруҳга ажратиб олинади ва шунга мос равишда ходимларни моддий ва маънавий (лавозимини кўтариш) рафбатлантириш амалга оширилади (Performance Management Guidance, 2013).

Буюк Британия тажрибасига мисол сифатида Дербишайр Дэйлс (Derbyshire Dales) туман ҳокимлигининг стратегик мақсад ва ривожланиш дастурларига боғлиқ ҳолда шакллантирилган қуидаги KPI кўрсаткичларини келтириб ўтиш мумкин: туман миқёсида янги корхоналарнинг очилиши, ишлаб чиқариш объектлари-

ИҚТІСОДИЁТ ФАНЛАРИ

нинг кенгайтирилиши; янги ва қўшимча иш ўринларининг яратилиши; янги бизнесни бошлашдаги 25 ёшгача бўлган ёшлар сони; Дербишайр Дэйлс туманининг «Inspired by the Peak District» брэнди остида бирлашган корхоналар сони каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришиш юзасидан ҳар бир ҳокимият бўлинмалари ўзларининг тегишли функционал вазифаларини амалга оширади.

ИРЛАНДИЯ

Ирландия маҳаллий ижро ҳокимияти ўз фаолиятини 2014 йилда қабул қилинган янги тартибдаги “Маҳаллий ҳокимиятлар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ

амалга ошириб, қуйидаги КПИ йўналишлари бўйича фаолиятни баҳолаш ва ҳисобот тизимини жорий қилган:

Үй-жой ва коммунал соҳалар хизмати; Йўллардан фойдаланиш инфраструктурасини яхшилаш; Сув таъминотини яхшилаш; Экологияни сақлаш (маиший чиқиндилар хизмати ва атроф-муҳит муҳофазаси); Режалаштириш; Ёнғин хавфсизлиги хизматини ташкил этиш; Кутубхоналар хизматини ташкил этиш; Ёшлар ва жамоатчилик билан ишлаш; Корпоратив сектор кузатуви (мониторинги); Маҳаллий бюджетлаштириш; Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш. Ушбу фаолият йўналишларининг КПИ кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Шарлотта шаҳар мэриясининг (АҚШ) Balanced Scorecard индикаторлари

| Тасаввух/ Vision | Жамиятнинг муносаб яшаши, меҳант қилиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш | | | |
|--|--|---|--|------------------------------|
| Стратегик йўналишлар | Хавфсиз жамият/ Community safety | Шаҳар ичидаги жамиятлар/ Communities within a city | Янгиланган ҳокимият/ Restructuring government | Транспорт/ Transportation |
| Стратегик тамойиллар | Ақлли ўсиш тамойилларига асосланган | | | |
| Корпоратив баҳо картаси/Corporate Scorecard | | | | |
| Корпоратив баҳо картаси/ Corporate Scorecard | Мижозларга хизмат кўрсатиш/ Serve the customer | <ul style="list-style-type: none">жиноятчилик даражасини камайтириш;хавфсизлик чораларини кучайтириш;қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш;транспорт хизматларидан фойдаланиш танловини яратиш;атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тоззаликни сақлаш. | | |
| | Бизнес юритишига кўмаклашиш/ Run the business | <ul style="list-style-type: none">ҳамкорликда қарор қабул қилиш алоқаларини ривожлантириш;инновацион давлат хизматларини кўрсатиш (кўмаклашиш);технологик самарадорликни ошириш. | | |
| | Ресурларни бошқариш/ Manage resources | <ul style="list-style-type: none">AAA рейтинги сари интилиш;рақобатбардош хизматлар кўрсатиш;бюджет даромадлари манбанин кенгайтириш;инвестицияларни инфраструктураларга йўналтириш. | | |
| | Бандликни ривожлантириш/ Develop employees | <ul style="list-style-type: none">ижобий бандлик муҳитига эришиш;малакали мутахассисларни жалб қилиш;ўрганиш ва лавозимга кўтарилишни қўллаб-куватлаш. | | |

Мазкур КПИ йўналишларининг танланганлиги ҳар бир маҳаллий ҳокимият фаолиятини ўзаро таққослаш ва барча маҳаллий ҳокимият тузилмалари учун бир хил бўлган функция ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, умумий индикаторларни жорий қилишдир. Аммо ушбу индикаторлар ҳамма вақт ҳам қиёсий

натижаларнинг ишончлилигига етарлича баҳо бермайди. Сабаби айрим худудларнинг географик жойлашуви ва бошқа ўзига хос хусусиятлари бир-биридан фарқланади. Шу боис баъзи индикаторлар худуд хусусиятларини инобатга олган ҳолда қисман ўзгариши ёки уларни ҳисоб-

лаш методикаларига тегишлича ўзгартырышлар киритилиши мүкін.

ГЕРМАНИЯ

Германия давлати давлат хизмати тизимида М.Вебернинг давлат бошқарув принципларига юқори даражада риоя қилиши билан ажралиб туради, шунинг учун у давлат хизматчиларини бошқарища консервативдір. Бошқа бир қатор мамлакатлар тизимларыда бўлгани каби Германия давлат хизматлари тизимида ҳам натижадорликни бошқариш тамойиллари амал қиласда, аммо натижадорликни миқдорий баҳолаш механизмлари тўлиқ жорий қилинмаган. Шунга қарамай ҳозирги вақтда давлат органларининг юқори мансабдор шахслари учун ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тизими мавжуд бўлиб, у базавий иш ҳақининг 7 фоизи миқдорида амалга оширилади. Ушбу рағбатлантириш юқори раҳбар томонидан ходимларнинг ўтган йилги фаолият самарадорлиги натижалари бўйича амалга оширилади. Бунда давлат органлари хизматчиларини рағбатлантиришнинг энг юқори даражаси базавий маошнинг 10 фоизидан ошмаслиги белгиланган.

Юқоридаги давлатларнинг тажрибаларига таянган ҳолда давлат бошқарув органлари хизматчиларининг самарадорлигини баҳолаш ва уларни моддий рағбатлантиришни амалга оширишда юзага келадиган қуйидаги муҳим масалаларни ажартиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, давлат бошқарув органлари хизматчиларининг КРІ кўрсаткичлари мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни баҳоловчи юқори давлат органи томонидан тасдиқлаш;

иккинчидан, баҳолаш жараёнини (сұхбат ёки сўровнома) амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқиш ва уни ўтказиш тартибини белгилаш;

учинчидан, иш фаолияти самарадорлигини баҳолашда “360 даражада” услугидан (ёки шунга ўхшаш услублардан) фойдаланиш;

тўртинчидан, давлат хизматчиларини бир нечта гурухлар бўйича иш натижадан

дорлигига қараб ажратиб олиш ва уларга рейтинг бериш усууларини қўллаш;

бешинчидан, эришилган натижаларга қўра иш ҳақи миқдорини ўзгартириш ва/ёки моддий рағбатлантириш миқдорини оширишда баҳолаш кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

АҚШ

АҚШ КРІ баҳолаш тажрибасида давлат бошқарув органларининг юқори мансабдор шахсларига давлат органининг стратегик мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда мақсадлар белгиланади. Ушбу мақсадларга эришишнинг батафсил ҳолатлари баён қилинади. Мақсадларни белгилашда унинг устуворлиги акс эттирилади, яъни келгуси йил учун раҳбар фаолиятининг асосий йўналишлари ажратиб кўрсатилади. Шу боис белгиланган мақсадларнинг ақалли биттаси бажарилмаса ҳам раҳбар фаолияти қониқарсиз баҳоланади.

АҚШ КРІ тизимида юқори лавозимли мансабдор шахсларни моддий рағбатлантиришда иккита асосий рағбатлантириш усулидан фойдаланилади. Биринчиси Президент мукофоти, иккинчиси Performance мукофоти. Президент томонидан бериладиган мукофотлар узоқ вақт давлат органидаги хизматлари учун бериладиган бўлса, Performance мукофоти ходимнинг йил давомида эришган фаолият натижаларига қараб белгиланади. Бунда ушбу рағбатлантириш “барча талабларга жавоб берадиган” тоифасига эга бўлган раҳбар ходимлар таркиби бўйича базавий окладнинг 5 фоизидан 20 фоизигача бир марталик тартибда рағбатлантирилади.

Агар давлат хизматчисининг самарадорлиги белгиланган талабларга жавоб бермаса, давлат органи мансабдор шахсни ушбу лавозимдан озод этишга ёки бошқа лавозимга ўтказишга ҳақлидир. Агар давлат органи ходимни ўз лавозимида қолдиришга қарор қиласа, у ҳолда орган унинг иш сифатини яхшилаш бўйича кўмак бериши зарурдир (Guide to the Senior Executive Service, 2011).

АҚШнинг шаҳарлар тавсифидаги маҳаллий ижро ҳокимият тузилмаларида ба-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

ланлашган күрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard - BSC)дан кенгроқ фойдаланылади. Бунга мисол сифатида Шарлотта

шашар ижро ҳокимияти амалиётини келтириб ўтиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ирландия маҳаллий ҳокимият органларида KPI

| Йўналишлар/Соҳалар | KPI (Самарадорликнинг энг муҳим күрсаткичлари) |
|---|---|
| Уй-жой ва коммунал соҳалар хизмати | <ul style="list-style-type: none">ижтимоий уй-жойлар билан таъминланганлик;уй-жойларни қайта ижарага олиш учун сарфланадиган ўртача вақт ва уларнинг ижара нархи;уй-жойларга техник хизмат кўрсатиш нархи;хусусий сектордаги ижара муносабатларини текшириш;узоқ вақт давомида уйсиз юрган кам таъминланган оилалар (шахслар)га уй-жой ажратиш. |
| Йўллардан фойдаланиш инфраструктурасини яхшилаш | <ul style="list-style-type: none">худудий ва маҳаллий фойдаланишдаги йўлларнинг улуши, фоизда (қоплами йўллар ҳолати индекси бўйича);тротуар йўлакларнинг қопламали йўллар ҳолати индексидаги рейтинги;онлайн режимда автомототранспорт воситаларидан ундириладиган солиқлар ва бошқа тўловларнинг улуши. |
| Сув таъминотини яхшилаш | <ul style="list-style-type: none">умумий сув ҳажмида ҳисобга олинмаган сув ҳажмининг улуши (сув тақсимоти тизими бўйича йўқотишлар);умумий сув тақсимоти тизимида ичимлик сувининг улуши. |
| Экологияни сақлаш (маиший чиқиндилар хизмати ва атроф-муҳит муҳофазаси) | <ul style="list-style-type: none">маиший чиқиндиларни ташиш (йиғиш) учун берилган рухсатномалар/гувоҳномалар сони;маиший чиқиндиларга хизмат кўрсатиш юзасидан уй хўжаликларининг шикоятлари;атроф-муҳит муҳофазаси бўйича келиб тушган бошқа шикоятлар;атроф-муҳит ифлосланишининг даражаси (беш даражали мезон бўйича). |
| Режалаштириш | <ul style="list-style-type: none">янги уй-жой курилишларини инспекция қилиш;ер бериш (ажратиш) комиссиясига шикоятлар;режалаштириш хизматининг ахоли жон бошига харажатлари;маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши. |
| Ёнғин хавфсизлиги хизматини ташкил этиш | <ul style="list-style-type: none">ёнғин хизмати ва хизматни сафарбар қилиш харажатлари;сафарбарлик вақти (%);ёнғин юз берган ва юз бермаган жойларга биринчи ташриф. |
| Кутубхоналар хизматини ташкил этиш | <ul style="list-style-type: none">кутубхоналарга ташрифлар ва берилган нарсалар;кутубхоналар хизматидан фойдаланиш харажатлари. |
| Ёшлар ва жамоатчилик билан ишлаш | <ul style="list-style-type: none">ёшлар ва жамоатчилик иштироки;маҳаллий мактаблар ва ёшлар клубларининг Ёшлар кенгашига жалб қилинганлик даражаси (%);маҳаллий ташкилотларнинг жамоат иштироки тармоқлари (Public Participation Networks)да – коллежлар билан ҳамкорлик қилиш алоқаларининг улуши. |
| Корпоратив сектор кузатуви (мониторинги) | <ul style="list-style-type: none">умумий вақт эквивалентининг сони;касаллик варақаси туфайли ҳақ тўланган иш кунининг фоиз миқдори;касаллик варақасисиз (ўз ҳолица) ҳақ тўланган иш кунининг фоиз миқдори;LA веб сайтига ташрифларнинг умумий сони. |
| Маҳаллий бюджетлаштириш | <ul style="list-style-type: none">маҳаллий бюджет даромадлари ҳисоби қолдиғи;тижорат йигимлари, ижара ва йиллик тўловлар, уй-жой коммунал тўловлари ва бошқа кредитларнинг ундирилиш даражаси. |
| Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш | <ul style="list-style-type: none">маҳаллий бандликка кўмаклашиш муассасалари ёрдамида яратилган иш ўринлари сони. |

Манба: [5].

КАНАДА

Канада тажрибасида давлат хизматчилари фаолиятини, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари ходимлари фаолиятини КРІ тизими бўйича баҳолашда КРІ шартномалари тузилади. Мазкур шартномада бюджетлаштириш, кадрлар бошқаруви, режалаштириш, сиёсатни ишлаб чиқиш ва операцион дастурларни бошқариш ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларида 4 дан 7 тагача бўлган мажбурият ўз ифодасини топган бўллади.

Ушбу мажбуриятлар қўйидаги фаолият йўналишлари билан боғлиқ: жамият ривожи учун кўрсатиладиган ижтимоий соҳа хизматларини яхшилашга кўшаётган ҳиссаси (маҳаллий миқёсда); жамият хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган вазифалардаги ҳиссаси; иқтисодий соҳа ривожи учун амалга оширилаётган функционал фаолият натижаларидағи ҳиссаси (бандлик, молиявий, хукуқий ва технологик хизматлар); ижтимоий-иқтисодий инфраструктура хизматлари бўйича фаолият йўналишлари шулар жумласидандир.

Канада бошқаруви органлари ходимларини моддий рағбатлантириш тизими жорий ва асосий мажбуриятларга боғлангандир. Жорий мажбуриятларни бажариш базавий иш ҳақини олишнинг муҳим шартидир. Раҳбарнинг жорий фаолиятни ташкил этиш самарадорлиги унинг ушбу лавозими учун ўрнатилган “вилка” доирасидаги иш ҳақининг ошишига таъсир кўрсатади. Асосий мажбуриятларни бажаргандა, ходимга бир марталик рағбатлантириш берилади. Канада тажрибасида самарадорлиги паст бўлган раҳбар ходимларга нисбатан жазо чораларини қўллаш амалиёти йўқ. Бундай ёндашув ходимларнинг профессионал малакасини ошириш мақсадларини рағбатлантириш ва қўллаб-куватлашга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Ривожланаётган давлатлар бошқарув органларида КРІни қўллаш тажрибалари

Россия Федерацияси

Россия Федерацияси маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятида КРІ тизимидан фойдаланиш Россия Федерацииси Президентининг 2008 йил 28 апрелдаги 607-сон «Об оценке эффективности деятельности органов местного самоуправления городских округов и муниципальных районов» фармонига асосан жорий қилинган. Мазкур тизим 2012 йил 21 августда Россия Федерацииси Президентининг 1199-сон «Об оценке эффективности деятельности органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации» фармони билан бутун Россия давлат бошқаруви органлари фаолиятига жорий қилинган. Ушбу фармон билан қўйидагилар белгиланган:

1. Асосий миқдорий баҳолаш кўрсаткичлари 12 та қилиб белгиланган (*мисол учун, ҳар 10 минг аҳолига тўғри келувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони; кичик ва ўрта бизнесда банд бўлган ўртacha ишчилар сонининг жами корхона ва ташкилотларда ишчилар сонидаги улуши; маҳаллий умумфойдаланиш бўйсунувдаги жами автомобиль йўллари узунлигига меъёрий талабларга жавоб бермайдиган автомобиль йўлларининг улуши; маҳаллий ҳудуднинг умумий майдонида ер солиғи солинадиган ер майдонлари (участкалар)нинг улуши ва ҳок.*)

2. Комплекс (интеграл) индикатор тушунчаси киритилиб, у ўртacha тортилган йиғма кўрсаткичлар индексини аниқлашни ифодалайди.

3. Йиғма индекс кўрсаткичи сифатида индекснинг ўртacha ўсиш суръати билан ўртacha индекс ҳажмининг йиғиндиси тушунилади ва улар мос равища 0,6 ва 0,4 коэффициентлар (весь) билан аниқланади.

4. Нисбий қийматлар кўринишида тақдим этиладиган маълумотларни ягона ўлчов шкаласига келтириш учун чизиқли масштаблаш қўлланилиши қайд этилган. Ўлчовни ҳисобга олишда бошланғич кўрсаткич ошиши ёки пасайиши билан боғлиқ ҳолат ҳисобга олиниши белгиланган.

5. Тасодифий ўзгаришларни тартиблаш мақсадида индикаторларнинг қийматлари олдинги иккита ҳисобот даври-

ИҚТІСОДИЁТ ФАНЛАРИ

даги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ўртача ҳисобланади.

Шунингдек, фармонда комплекс баҳолашни шакллантиришда ҳудудий хусусиятлар ҳисобга олиниши ва ҳисоблаш жараёнида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос муаммоларини акс эттирувчи индивидуал кўрсаткичлардан фойдаланилиши кўрсатилган. Россия тажрибасида 44 та индивидуал кўрсаткичлардан иборат гуруҳластирилган баҳолаш индикаторлари мавжуд бўлиб, ушбу индикаторларга маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳоловчи эксперталар гуруҳига келгуси йил кўрсаткичлари учун биттадан кўп бўлмаган таклиф киритиш ҳуқуқи берилган.

Кўрсаткичларни танлашда маҳаллий ижро органлари мавжуд муаммолардан келиб чиқсан ҳолда ёндашишлари ва улар томонидан таклиф қилинаётган кўрсаткичлар орасидан фақат иккита кўрсаткич комплекс баҳолаш кўрсаткичлари сифатида танлаб олиниши мумкинлиги белгиланган. Аммо бундай индивидуал кўрсаткичларнинг киритилиши кўплаб саволларни келтириб чиқаришга сабаб бўлган: биринчидан, бир соҳани тавсифловчи иккичизиқли ёки юқори корреляцияланувчи кўрсаткичларни танлаб олиш; иккинчидан, кўрсаткичларни танлашда ўрнини босувчи кўрсаткичларни таъминлаш; учинчидан, ижро этувчи органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг баланслашган аҳамият касб этиши; тўртинчидан, агар рейтингда турли индивидуал кўрсаткичлар бўлаётган бўлса, у ҳолда уларни бутун Россия субъектлари ўртасида таққослаш имкониятининг мавжуд бўлиши; бешинчидан, рейтинг натижаларига кўра, ўз фаолият самародорлигини баҳолашнинг таққосланиши.

Бугунги кунда Россия амалиётида КРІ билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқишида ёки улардан фойдаланишда манфаатдор томонларни идентификациялаш (аниқлаштириш) муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадқиқотчилар ушбу масалани уч гуруҳга бўлган ҳолда тадқиқ этмоқдалар.

Биринчи гуруҳда, Россия Федерацияси фуқаролари ва бизнес тузилмалари учун турмуш даражаси ва тадбиркорлик мухитининг яхшиланишини ҳис этишлари керак бўлган асосий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши.

Иккинчи гуруҳда, давлат сиёсатини етарли даражада амалга оширмаслик ва давлат вазифаларини минтақавий даражага етказиш муаммосининг мавжудлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни баҳолаш ҳолати. Федерал ижроия органлари ушбу муаммоларни ҳал қилишда минтақавий ижроия органлари фаолиятини баҳолаш индикаторларини жорий этишдан манфаатдор. Ўз навбатида, Россия Президенти администрацияси ва Россия ҳукумати ҳам ушбу лойиҳани амалга оширишда мувофиқлаштирувчи орган сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи гуруҳнинг манфаатдор томонлари сифатида Россия Федерациясининг ҳудудий ижро этувчи органлари субъектлари (вилоятлар ҳокимлеклари) ҳисобланади. Улар фаолиятида КРІни жорий этиш давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шунингдек, улар фаолиятларини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилашга хизмат қиласиди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, қуйидаги хуносаларни шакллантириш мумкин:

биринчидан, барча давлат бошқаруви бўғинларида бошқарув самарадорлигини ошириш ўта муҳим вазифалар ҳисобланади;

иккинчидан, ҳалқаро тажрибалар КРІ тизимини давлат бошқаруви органлари тизимиға жорий қилишнинг долзарбилигини кўрсатмоқда;

учинчидан, ушбу тизимни жорий қилиш босқичма-босқич ва интеграл жараён касб этиши зарур. Сабаби, биринчидан, мазкур тизимнинг ҳуқуқий, иқтисодий (шу жумладан, институционал) ва ижтимоий асослари етарли даражада шаклланмаган; иккинчидан, ҳудудлар, иқтисодиёт тузилмалари ва жамоатчилик

институтлари ўртасидаги алоқаларда үз-
вийлик етарли даражада таъминлан-
маган, юқори ва қуи бўғин бошқарув
ҳамда ижро органларининг функционал
вазифалари аниқ тақсимланмаган; учин-
чидан, ушбу органлар ўртасида молиявий
ресурсларни (бюджет маблағларини)
шакллантириш ва уларни тасарруф этиш-
да мустақилликнинг тўлиқ таъминланма-
ганлиги; тўртинчидан, ҳудудлар ижти-
моий-иктисодий ривожланишидаги ба-
ланглашмаган ишлаб чиқариш тизими-
нинг сақланиши каби омиллар КРІ тизи-
мини давлат бошқарув ва ижро органлари
тизимида босқичма-босқич жорий қилиб
боришни тақозо этади.

Қозоғистон Республикаси

Қозоғистон Республикаси 2000 йил-
дан бошлаб босқичма-босқич равища
МДҲ мамлакатлари орасида биринчилар-
дан бўлиб, КРІ тизимини давлат бошқаруви
органлари тизимида жорий қилишга
киришган мамлакатлардан биридир.

Жаҳон банки томонидан 2005 йилда
нашр қилинган “Стратегик эслатма: дав-
лат сектори иш ҳақи тизимини ислоҳ қи-
лиш” деб номланган тавсиялар бўйича
мазкур давлат бошқарув тизимини баҳо-
лашни босқичма-босқич ташкил қилиш ва
амалга ошириш белгиланган. Бунда энг
аввало давлат органларига аниқ мақсад-
лар ва уларга эришиш кўрсаткичларини
белгилаб олиш ҳамда стратегик режалар-
ни ишлаб чиқиш бўйича қўнишка ва таж-
рибаларни ривожлантириш чора-тадбир-
ларига асосий эътибор қаратиш лозим-
лиги таъкидланган.

Ташкилий ислоҳотларнинг кейинги
босқичи ушбу мамлакат учун барча дав-
лат бошқаруви органлари томонидан са-
марадорликка эришишнинг устувор мақ-
садларига йўналтирилган аниқ қадам-
ларни (босқичларни) белгилаб олиш би-
лан ифодаланган. Хусусан, 2007 йилда
Қозоғистон Республикаси Президенти-
нинг “Қозоғистон Республикаси давлат
бошқарув тизимини модернизация қи-
лиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-
ри қабул қилиниб, унда: а) марказий дав-
лат ва маҳаллий ижро органлари фаолия-

тини ҳар йили баҳолаш тизимини ишлаб
чиқиши; б) стратегик мақсадларга эришиш
даражаси, давлат хизматларини кўрсатиш
сифати, давлат дастурларининг бажари-
лиши ва бошқа индикаторлар бўйича са-
марадорликни ҳисобга олган ҳолда дав-
лат органлари фаолиятини рейтинг тизи-
мида баҳолаш тизимини ишлаб чиқиши ва
жорий этиши; в) давлат хизматлари сифа-
тини баҳолаш мақсадида доимий равища
жамоатчилик фикри сўровини ўтказиб бо-
риш; г) давлат хизматчилари фаолиятини
баҳолаш тизимини яратиш бўйича усту-
вор вазифлар белгиланган[6].

Қозоғистон Республикаси Президен-
тининг 2010 йил 19 марта “Марказий
давлат ва вилоятлар маҳаллий ижро ор-
ганлари ҳамда республика аҳамиятидаги
шаҳарлар ва пойтахт маҳаллий ижро ор-
ганлари фаолият самарадорлигини йил-
лик баҳолаш тизими тўғрисида”ги 954-
сон Фармонига асосан қуидаги йўналиш-
лар бўйича давлат бошқарув органлари-
нинг фаолият самарадорлигини баҳолаш
тизими белгиланган:

- стратегик ва дастурий ҳужжатлар-
ни баҳолаш – стратегик ва дастурий ҳуж-
жатларни амалга ошириш натижадорлиги
ва самарадорлигига эришишни аниқлаш
мақсади бўйича (*масъул орган: Қозоғис-
тон Республикаси ҳуқумати ва Қозоғис-
тон Республикаси иқтисодий ривожланиши
ва савдо вазирлиги*);

- марказий давлат ва маҳаллий ижро
этувчи ҳокимият органлари, вилоятлар
ҳамда республика аҳамиятидаги шаҳар-
лар ва пойтахт маҳаллий ижро органлари
фаолият самарадорлигини аниқлашга
мўлжалланган йиллик баҳолаш тизими
(*Қозоғистон Республикаси Президенти
администрацияси*);

- натижаларга эришиш даражасини
мунтазам, объектив равища ўрганиш ва
таҳлил қилиш ҳамда уларга тузатишлар
киритиш бўйича таклифлар ишлаб чи-
қиш. Амалга оширилаётган назорат чора-
тадбирлари доирасида (*Республика бюд-
жети ижросини назорат қилиш бўйича
Ҳисоб қўмитаси, Тафтиш комиссияси*);

- бюджет қонунчиліги, давлат харидлари тұғрисидаги қонунчилік ва бошқа қонунчилік ҳужжатларининг ижро этилишини назорат қилиш тадбирларини амалга ошириш (*Қозғыстон Республикасы Молия вазирлигининг назорат-тағтиш құмитасы*).

Умуман олганды, давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини бақолашнинг Қозғыстон тажрибаси учта асосий ривожланиш босқичига әгадір:

1-босқич 2010 йилни ўз ичига олиб, унда асосан давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини бақолашнинг ҳуқуқий мөйеरий ва методологияк асосларини ишлаб чиқыш ҳамда учта давлат органида ушбу методологияларни синовдан ўтказынша йүналтирилган (иккита марказий давлат идораси, битта маҳаллий ижро ҳокимияти). 2011 йилдан бошлаб ушбу мамлакатда давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ҳар тоғонлама бақолаш амалга оширилиб келінмоқда.

2-босқич 2011 йилни ўз ичига олиб, унда 40 та давлат бошқарув органлари фаолияти, шундан 24 таси марказий давлат ҳокимияти органлари, 16 таси маҳаллий ҳокимият органларининг фаолият самарадорлиги бақоланған ҳамда методологияк ёндашувларга хорижий экспертерларнинг тавсияларыга асосан тегишли тұзатишлар кирилган.

3-босқич 2012 йилни ўз ичига олиб, унда юқоридаги Президент фармонаға тегишли ўзгартиришлар киритиш, 39 та давлат бошқарув органлари фаолиятини, шундан 23 таси марказий давлат ҳокимияти органлари, 16 таси маҳаллий ҳокимият органларининг фаолият самарадорлигини тұлиқ бақолаш ҳамда 2012-2016 йилларда давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини бақолаш тизимини ривожлантиришнинг беш йилдік концепциясини ишлаб чиқыш белгиланған.

Мазкур концепция доирасыда давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини бақолаш тизимининг холис-лиги, очиқлиги ва шаффоғлигини таъ-

минлаш ҳамда уни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадыда Миллий иқтисодиёт вазирлиги томонидан 2014 йилда илк бор БМТ Ривожланиш Дастаны доирасыда 4 та нодавлат ташкиотларини жалб қылған ҳолда “Давлат хизматлари сифатини бақолаш тизимига күмаклашиш” күшма пилот лойиҳасини ишга туширди.

Нодавлат ташкиотларини давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини умумий бақолаш тизимига жалб қилишдан күзланған асосий мақсад уларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиш ва тегишли таклиф ҳамда тавсияларини олишдір. Мана шу мақсадда БМТ Ривожланиш Дастаныннан янги лойиҳаси асосида вазирлик 2015-2017 йилларға мүлжалланған нодавлат ташкилотларининг жавобгарлық даражасини оширишнинг күшимча механизмларини ишлаб чиқыш, методологияк асосларни такомиллаштириш ва үйғунлаштириш (унификациялаш) ва мамлакатнинг барча 16 та худудини қамраб олиш белгиланған.

Юқорида қайд этилған уч босқичли ислоҳотлар натижасына кўра, 2012 йил натижалари бўйича 65 фоиз давлат бошқарув органларининг фаолияти ўртача самарави деб бақоланған бўлса (ушбу кўрсаткич 2011 йилда 23%ни, 2010 йилда эса 7,5%ни ташкил қылған), 35 фоизи эса паст самарадорлик сифатида қайд этилған (2011 йилда 77%ни, 2010 йилда 90%-ни ташкил этган). Олиб борилған ислоҳотлар натижасида мамлакат раҳбариятининг сифатсиз бажарилған топшириқлари сони 1,5 бараварга қисқариб, давлат бошқарув органлари фаолиятининг стратегик режалаштириш билан қамраб олиниш даражаси 69%дан 83%га ошган. Қоғоз қўринишдаги ҳужжатларнинг айланыш даражаси 9 бараварга қисқариб, давлат хизматларини кўрсатишнинг электрон стандартлари таъминланған.

Қозғыстон тажрибасыда КРІ тизимини жорий қилишнинг кучли ва кучсиз (заиф) томонлари қуйидагиларда намоён бўлған.

Кучли томонлари: мамлакат раҳбариятининг ушбу тизимни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши; қонунчилик асосларининг мавжудлиги; эволюцион ёндашув; пилот лойиҳанинг борлиги; баҳоловчиларнинг профессионаллиги; баҳолаш жараёнларини ҳам марказий, ҳам маҳаллий даражаларда жорий қилиниши; давлат органлари тизими ва оммавий ахборот воситаларида ушбу тизим ҳақида комплекс тарғибот ва ташвиқот ишларининг амалга оширилганлиги ва б.

Кучсиз томонлари: натижаларга етарлича зътибор қаратилмаганлиги; манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги; институционал тизимнинг етишмаслиги; баҳолаш жараёнларининг етарлича тезкор эмаслиги; баҳоланаётган ва баҳоловчи давлат органлари ўртасидаги мулоқотнинг етарли эмаслиги; нодавлат ташкилотларининг ушбу жараёнлардаги сустиштироки; баҳолаш натижаларининг ОАВларида эълон қилинmasлиги ва б.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда кейинги даврлар учун давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини қуидаги йўналишларда такомиллаштириш белгилаб олинган: а) давлат органлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни ишлаб чиқиш ва баҳолаш; б) давлат органларида баҳолаш ишлари бўйича ички аудит хизматларини яратиш; в) давлат органларининг ташқи баҳолаш ва аудитининг институционал базасини мустаҳкамлаш; г) давлат режалаштириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан стратегик ривожланиш ва бюджет тизимини режалаштириш методологияларини такомиллаштириш ва б.

Давлат режалаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадларига эришиш учун эса қуидаги йўналишлардаги ислоҳотлар жараёнини изчиллаштириш лозимлиги белгиланган: а) фаолият мақсадлари ва натижаларига мувофиқ идоравий ва идоралараро режалаштириш ҳамда лойиҳаларни бошқаришнинг яхлит тизимини яратиш ва амалга ошириш; б) давлат органлари ўртасида ресурсларни

рақобатбардош тақсимлаш ва улар фаолият натижаларига эришилишини назорат қилиш; в) давлатнинг стратегик мақсадларига мувофиқ давлат режалаштириш субъектлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш; г) ижроочиларини аниқ белгилайдиган ва мақсадларнинг ўзаро боғланишини таъминлай оладиган технологиялар ва жараёнлар тартибини жорий қилиш; д) мақсадларга эришиш даражасини ва ушбу мақсадларга эришиш учун бажариладиган сайъ-ҳаракатларни адекват баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон маҳаллий ижро ҳокимиятида чет эл тажрибаси асосида КРІ тизимини жорий қилиш бўйича тавсиялар

Юқорида амалга оширилган адабиётлар шарҳи ва хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятида КРІ тизимини жорий қилишнинг аҳамияти, моҳияти ва зарурлиги қўйидагилар билан ифодаланади:

1. Давлат бошқарув органлари тизимида, шу жумладан маҳаллий ҳокимият бошқаруви органларида КРІга асосланган баҳолаш ва ҳисобдорлик тизимининг жорий қилиниши ушбу органлар фаолиятида меҳнат унумдорлиги ва натижадорлигини оширишга қаратилган мотивацияни кучайтиришга олиб келади.

2. Давлат бошқарув органлари фаолиятида, шу жумладан маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари фаолиятида КРІ тизимининг жорий қилиниши ушбу органлар фаолиятида стратегик мақсадларга йўналтирилган фаолият натижаларини миқдор ва сифат ўзгаришлари жиҳатидан ҳамда молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳолаш имкониятини яратади.

3. КРІ тизимини жорий қилиш барча давлат бошқаруви бўғинларида фаолият кўрсатувчи давлат хизматчиларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва институционал назоратни ўрнатишга ҳамда

ИҚТІСОДИЁТ ФАНЛАРИ

унинг натижалари бўйича жамоатчилик, парламент, президент, хукумат ва бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга ҳисбодорлик масъулиятини оширади.

4. KPI тизимини жорий қилишнинг асосий мақсадлари сифатида қўйидагилар белгиланган: а) давлат бошқарув органлари, уларнинг таркибий тузилмалари ва алоҳида олинган давлат хизматчиларининг фаолият самарадорлиги ва иш сифатини рағбатлантириш; б) давлат хизматчиларининг функция ва вазифаларини энг муҳим ижтимоий-иктисодий муаммоларни (эҳтиёжларни) ҳал этишга қаратилган самарадорлик таҳлилини олиб бориш; в) давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари, мутахассислари ва бошқа ходимлари билан давлат хизматларининг истеъмолчилари (фойдаланувчилари) ўртасида фаол коммуникация тизимини йўлга қўйиш; г) тури даражадаги давлат бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш.

5. Давлат бошқарув органларида, шу жумладан маҳаллий ҳокимият бошқарув органларида KPI тизимини жорий қилишнинг қўйидаги методологик жиҳатларига асосий эътибор қаратиш лозим: а) бошқарув самарадорлиги услубининг (методикасининг) стратегик мақсадларни аниқлаштиришга йўналтирилганлиги; б) мақсадларни тузилмаларро (бўлимларро) уйғулаштирилганлиги (боғланганлиги); в) KPIни стратегик нуқтаи назардан белгилаш; г) бошқарувнинг функция ва вазифаларини ижрочилар ўртасида рационал тақсимлаш ва уларни мақбул даражада ихчамлаштириш (қисқартириш); д) даврий статистик маълумотлар ва молиявий кўрсаткичлар натижаларидан келгусида (истиқболда) фойдаланиш имкониятини берадиган чораларни қўллаш; е) бошқарув вазифалари ва стратегияси ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш; ж) мавжуд молиявий (бюджет) ресурслардан мустақил фойдаланиш ва уларнинг даромадлилик манбаларини ошириш.

6. Ўзбекистон шароитида KPI тизими жорий қилишда Ирландия тажрибасининг KPI фаолият йўналишлари ва кўрсаткичлари (4-жадвал) ҳамда Австралия тажрибасининг фискал барқарорлик принципидан фойдаланиш мумкин. Бу борада маҳаллий ҳокимиятнинг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни тасарруф этишдаги мустақиллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда бюджет барқарорлигининг чоралари қўйидаги тўртта йўналишни ўз ичига қамраб олиши мумкин: а) даромадлар манбанинг ишончлилиги ва мустаҳкамлиги; б) даромадларнинг мослашувчанлиги ва интенсивлиги; в) қарздорликнинг баланслашганлиги; г) бюджет ликвидлилигининг таъминланганлиги.

7. Ўзбекистон шароитида KPI тизими бўйича давлат хизматчилари фаолиятини рағбатлантиришда Канада (ходимларни жорий ва асосий мажбуриятлар бўйича эришилган натижаларни рағбатлантириш) ва АҚШ (Президент мукофоти ва Performance мукофоти) тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

8. Ўзбекистон шароитида шаҳар туридаги ҳокимиятлар фаолиятини KPI тизими бўйича баҳолашда АҚШнинг Шарлотта шаҳар мэриясининг тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Бунда KPI-нинг асосий йўналишлари сифатида қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: мижозларга хизмат кўрсатиш/Serve the customer (жиноятчилик даражасини камайтириш; хавфсизлик чораларини қучайтириш; яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш; транспорт хизматларидан самарали фойдаланиш танловини яратиш; атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш); Бизнес юритишига кўмаклашиш/Run the business (ҳамкорлар билан ҳамкорликда қарор қабул қилиш алоқаларини ривожлантириш; инновацион давлат хизматларини кўрсатиш; технологик самарадорликни ошириш); Ресурсларни бошқариш/Manage resources (худуд молиявий салоҳиятини ААА рейтинги сари таъминлашга интилиш; рақобатбардош давлат хизматларини кўрса-

тиш; бюджет даромадлари манбасини кенгайтириш; инвестицияларни инфраструктураларга йўналтириш).

9. Ўзбекистон шароитида КРІ тизимини жорий қилишда Россия тажрибасининг қуйидаги сегментланган методологиян ёндашувларидан фойдаланиш мумкин: а) фуқаролар муносиб турмуш дараҷасини, тадбиркорлик субъектлари эса муносиб тадбиркорлик мұхитини ҳис этишлари учун хизмат қиладиган асосий күрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши; б) давлат сиёсатининг стратегик мақсадларини етарли даражада амалга оширмаслик ва давлат вазифаларини минтақавий даражага етказиш билан боғлиқ муаммоли күрсаткичларни баҳолаш; в) ҳудудий ижро этувчи органлар (вилоятлар ва туманлар ҳокимлуклари) фаолиятини интеграл занжирда баҳолаш ва ҳисобдорлик тизимини белгилаш.

10. Ўзбекистон шароитида КРІ тизимини босқичма-босқич жорий қилишда Қозоғистон тажрибасининг қуйидаги жиҳатларидан фойдаланиш мумкин: а) давлат органлари фаолиятининг энг мұхим самарадорлик күрсаткичлари (КРІ)ни ишлаб чиқиши ва баҳолаш; б) давлат органларида баҳолаш ишлари бўйича ички аудит хизматларини яратиш; в) давлат органларининг ташқи баҳолаш ва аудитининг институционал базасини мустаҳкамлаш; г) давлат режалаштириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, стратегик ривожланиш ва бюджет тизимини режалаштириш методологияларини такомиллаштириш.

Хулосалар

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви органлари фаолиятида, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият бошқаруви органлари фаолиятида КРІ тизимини жорий қилишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятида, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият бошқаруви органлари фаолиятида КРІ тизимиға асосланган баҳо-

лаш ва ҳисобдорлик тизимини жорий қилиш ушбу органлар фаолиятида **самарадорлик мәжнат унумдорлиги ва натижадорлигига** эришишга бўлган кучли мотивацияни шакллантириш, мәжнат ва капитал ресурсларни оқилона тақсимлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишнинг замонавий механизмларини ташкил қилиш имкониятини юзага келтиради;

Иккинчидан, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари фаолиятида КРІ тизимини жорий қилиш ушбу органлар томонидан бажариладиган **Функция ва вазифаларнинг улар стратегик мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда қайта шаклланиши ва тақсимланишига** асос ҳисобланади;

Учинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятига, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари фаолиятига баҳо бериш ва ҳисобдорликнинг давлат ва жамоатчилик алоқаларига асосланган **интеграл тизимнинг шаклланишига** замин яратилади;

Тўртинчидан, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари фаолиятида КРІ тизимини жорий қилиш натижасида янги институционал тузилмаларнинг ташкил топиши ва ушбу йўналишда малақали иш ўринлари яратилишига олиб келади (дастлабки босқичда бошқарув органлари тузилмаларида КРІ бўлинмалари ёки бошқармалар ташкил этилса, кейинги босқичларда улар фаолиятини илмий, амалий ва услубий жиҳатдан такомиллаштириб боришга қаратилган алоҳида ташкилот ва/ёки муассасалар ташкил этилади);

Бешинчидан, маҳаллий ҳокимият бошқаруви органлари фаолиятида КРІ тизими самарадорлигини ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни тасарруф этиш бўйича **мустақиллигини таъминлашнинг** зарурлиги билан белгиланади;

Олтинчидан, Ўзбекистон шароитида КРІ тизимини жорий қилиш ва унинг методологиян асосларини ишлаб чиқиши босқичма-босқич принципи асосида таш-

кил қилиниши ва унда давлат бошқаруви органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият бошқаруви органларининг (танланган пилот туманларда) ҳудудий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш талаб этилади.

Манба ва адабиётлар

1. Adams C. and Robert P. (1993). "You are what you measure", in *Manufacturing Europe*, 1993. Sterling publications, London, UK. 504 p.
2. Bouckaert G. and Halligan J. (2008). *Managing performance: International comparisons* ISBN 9780415 42395 3; 464 p.
3. Boyne, GA., Meier, KJ., O'Toole, LJ, Walker, RM. (2006). *Public Service Performance*. Cambridge: Cambridge University Press.
4. Behn, RD. (2003). *Why Measure Performance? Different Purposes Require Different Indicators*. *Public Administration Review*, 63(5), pp. 586–606. DOI: 10.1111/1540-6210.00322.
5. Бурганова Э.О. (2005). Внедрение ключевых показателей эффективности. *Персонал Микс*, 6.
6. Van Doreen, W., Bouckaert, G., Halligan, J. (2010). *Performance Management in the Public Sector*. Oxon: Routledge.
7. Галкин, А.И. (2010). *Формирование инфраструктуры электронного правительства как подсистемы эффективного государственного управления*. В книге *Система государственного и муниципального управления: проблемы и перспективы развития*. М.: Издательство ООО «ПКЦ Альтекс».
8. Drucker P. *The Practice of Management*. 1954.
9. Diefenbach, T. (2009). *New public management in public sector organizations: the dark sides of managerialistic 'enlightenment'*. *Public Administration*, 87(4), pp. 892-909. DOI: 10.1111/j.1467-9299.2009.01766. x.
10. David Parmenter. *Key Performance Indicators: Developing, Implementing and Using Winning KPI's*. – New Jersey, USA: John Wiley & Sons, inc., 2007.
11. Джунусбекова Г. Совершенствование системы оценки эффективности деятельности государственных органов в Республике Казахстан. *Viešoji politika ir administravimas/Public policy and administration*. 2015,
- T. 14, Nr. 2 / 2015, Vol. 14, No 2, p. 250–264. DOI:10.13165/VPA-15-14-2-07
12. Зорина, Э. (2009). Использование технологии «ключевые показатели эффективности» на государственной службе. *Кадровик*, 6-3, 55-61.
13. Зайцева, Т.В., Зорина, Э.О. (2006). Применение технологии «Ключевые показатели эффективности» в государственном управлении. В книге *Государственное управление в 21 веке: Традиции и инновации. Материалы 4-й международной конференции факультета государственного управления МГУ им. М.В. Ломоносова (С. 1118-1123)*. М.: МГУ.
14. Клочков А.К. *KPI и мотивация персонала*. М.: Эксмо, 2010. 103 с.
15. Клочков А.К. *KPI и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов*. Эксмо. – Москва. 2010. 12 сmp.
16. Kaplan R.S., Norton D.P. (1992). *The balanced scorecard – Measures that drive performance*. *Harvard Business Review* 70 (1): 71–79.
17. Каплан Р., Нортон Д. Система сбалансированных показателей. От стратегии к действию. М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2004. С. 10.
18. Colin Talbot (2010). *Performance in Government: The Evolving System of Performance and Evaluation Measurement, Monitoring, and Management in the United Kingdom*. ECD Working Paper Series. No. 24. 5-8 p.
19. Christine Ryan, Marc Robinson and Trevor Grigg (2000). *Financial performance indicators for Australian local governments*. *Accounting, Accountability and Performance* 6 (2): pp. 89-106.
20. Moynihan, DP. (2002). *Ambiguity in Policy Lesson: The Agencification Experience*. *Public Administration*, 84(4), pp. 1029-1050. DOI: 10.1111/j.1467-9299.2006.00625. x.
21. Marr, B. (2009). *Managing and Delivering Performance*. Oxford: Butterworth-Heinemann.
22. Mihaiu, D. (2014). *Measuring Performance in the Public Sector: Between Necessity and Difficulty. Studies in Business, and Economics*. Available at:<http://eccsf.ulbsibiu.ro/RePEc/blg/journl/925mihaiu.pdf> [10. 5. 2017].
23. Максуров, А.А. (2010). Проблема определения эффективности государственного управления (на примере координационной юридической практики). *Государственная власть и местное самоуправление*, 10, 14-16.
24. Niven, PR. (2006). *Balanced Scorecard Step-by-step for Government and Nonprofit Agencies*. 2nd ed., Hoboken: John Wiley & Sons.
25. Nielsen P.A. *Performance Management, Managerial Authority, and Public Service Performance // Journal of Public Administration Research and Theory*. 2014. 24(2):431–458.
26. Niven, P.R. (2003) *Balanced Scorecard Step-by-Step for Government and Non Profit Agencies*. John Wiley & Sons, New York.
27. Питтер Ф. Друкер. *Практика менеджмента*. Пер. с анг. М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014. 416 с.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

28. Питер Ф. Друкер. Рынок: как выйти в лидеры. Пер. с англ. М.: Бук Чембер Интернэшнл, 1992. 288 с.
29. Рамперсад Х. Универсальная система показателей: Как достигать результатов, сохраняя целостность / Пер. с англ. 3-е изд. М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. 352 с.
30. Punniyamoorthy M. and Murali R. (2008). *Balanced score for the balanced scorecard: A benchmarking tool//Benchmarking An International Journal 15(4):420-443 · July 2008. DOI: 10.1108/14635770810887230*
31. Parmenter David. *Key performance indicators: developing, implementing, and using winning KPIs. – Third edition. John Wiley & Sons, inc. 2015.*
32. Sanger, M B. (2008). *From Measurement to Management: Breaking through the Barriers to State and Local Performance. Public Administration Review 68(s1), pp. S70–S85. DOI: 10.1111/j.1540-6210.2008.00980. x.*
33. Сапронова А.В. Ключевые показатели эффективности в контексте оценки профессиональной деятельности государственных служащих// Российское предпринимательство. – 2015. – № 1 (271). – с. 129-136. – <http://www.creativeeconomy.ru/journals/index.php/rp/article/view/39/>
34. Talbot, C. (2005). *Performance Management In Ferlie, E., Lynn, LE., Pollitt, C., (eds). The Oxford Handbook of Public Management. Oxford: Oxford University Press.*
35. Чичелев М., Лялин Е. Методология разработки и применения КПИ для государственных служащих: практик. пособие для разработчиков систем КПИ в органах государственной власти. Саарбрюккен, 2014. 72 с.
36. Якунин, В., Сулакшин, С., Тимченко, А. (2006). Теоретические аспекты проблемы эффективности государственного управления. Власть, 8, 7-14.
37. Local Government Performance Reporting Framework Strategic Directions Paper 2018-21. Local infrastructure/local government Victoria. Department of Environment, Land, Water and Planning. 2018.

Тақризчи: О.О. Олимжонов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институту лойиҳа раҳбари.